



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2014 йил 24 май, № 101 (6031)

Шанба

ЛАТВИЯ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг тақлифига биноан Латвия Республикаси Президенти Андрис Берзиньш 2014 йил 27 — 29 май кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлади.

Ташриф доирасида икки давлат раҳбарлари сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ўзаро ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва уни янада ривожлантириш истиқболларини муҳокама этадилар, долзарб минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Музокаралар якунлари бўйича икки давлат раҳбарларининг Қўшма баёнотини қабул қилиш, Ўзбекистон ва Латвия ўртасида турли соҳалардаги ҳамкорликка оид қатор ҳужжатларни имзолаш мўлжалланмоқда.

Ўзбекистон — Латвия:

ҲАМКОРЛИКНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

2014 йил 27 май куни Латвия Республикаси Президенти Андрис Берзиньшнинг Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифи бошланади.

Ўзбекистон — Латвия ўртасидаги ҳамкорлик ўзаро ҳурмат ва манфаатдорликка асосланади. Ҳозирги пайтда бундай муносабатлар изчил ривожланмоқда ва тобора кенгайиб бораётди.

Мажбурий алоқаларни имкониятлардан тўлақонли фойдаланган ҳолда муштаҳамлаш икки дўст давлат ташқи сиёсатининг устувор қирраларидан бири бўлиб қолди. 1992 йил 3 ноябрь куни Ўзбекистон ва Латвия ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганидан сўнг 40 дан зиёд давлатларро шартномалар ҳамда ҳуқуқатларо битимлар имзоланди. Ҳамкорликнинг деярли барча соҳаларини қамраб олган мазкур ҳужжатлар ўзаро шерикликнинг ривожланиши учун асос бўлмоқда.

Томонларнинг самарали ҳамкорлигини кенгайтириш йўлидан боришга бўлган интилишини олий даражадаги мунтазам учрашувлар тасдиқлайди. Президент Андрис Берзиньшнинг мамлакатимизга бўлажак ташрифи Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг 2013 йил октябрь ойида Латвияга буюрган давлат ташрифнинг мантикий давоми ҳисобланади.

Шуни қайд этиш жоизки, икки мамлакат ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасида конструктив ва мунтазам маслаҳатлашувлар йўлга қўйилган. Ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасида 1997 йилдан 2014 йилгача бўлган даврда маслаҳатлашувлар тўғрисидаги Протокол 1995 йили имзоланган эди. Шунга асосан, ташқи ишлар вазирликларидан маслаҳатлашувларнинг 13 раунди ўтказилди.

Парламентларо алоқалар ҳам фаол ривожланипти, парламент аъзо-

лари делегацияларининг мунтазам алмашувлари амалга оширилмоқда, икки мамлакатнинг қонун ижодкорлиги фаолияти соҳасидаги тажрибалари ўрганилмоқда ва бир-бирини тўлдирмоқда. 2010 йили Латвия Сеймида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси билан ҳамкорлик бўйича гуруҳ таъсис этилди. Ўз навбатида, 2012 йили Ўзбекистон парламенти ҳам Латвия Сейми билан ҳамкорлик бўйича гуруҳ тузилди.

2002 йили имзоланган Терроризм, диний экстремизм, наркобизнес ва уюшган жиноятчиликнинг бошқа қўриқчилари билан курашда ҳамкорлик тўғрисидаги ҳуқуқатларо Битимга мувофиқ, бу соҳадаги ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Латвия Қўшма комиссияси таъсис этилган. Унинг иккинчи мажлиси 26 — 30 май кунлари Тошкентда бўлиб ўтди.

Латвия Европа Иттифоқи мамлакатлари орасида Ўзбекистоннинг энг йирик савдо шериклари учлига кирди. 2013 йил якунларига кўра, мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 248,8 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Ўзбекистон Латвияга юқори сифатли пахта толаси, қайта ишланган нефть маҳсулотлари, мева-сабзавотлар, дори-дармон препаратлари, минерал ўғитлар, рангли металл ва бошқа маҳсулотларни экспорт қилади. Латвия, ўз навбатида, юртимизга тўқимачилик, электротехника, машинасозлик тармоқлари учун асбоб-ускуналар, озиқ-овқат, фармацевтика маҳсулотлари, оптика ускуналари етказиб беради ҳамда транспорт хизматларини курсатади.

(Давоми 2-бетда).

ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР САМАРАСИ

мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятининг тобора юксалишига хизмат қилмоқда

Президентимиз Ислам Каримов жорий йилнинг 25 апрель куни Қорақалпоғистон Республикасидаги Устюрт газ-кимё мажмуасига ташриф буюриб, у ерда амалга оширилаётган қурилиш ишлари билан танишар экан, Сурғил қони негизда бунёд этилаётган ушбу мажмуа нефть-кимё соҳасида дунёдаги энг йирик лойиҳалардан бири эканлигини алоҳида таъкидлади.

ФАХР

Чунки у ишга туширилгач, йилига 4,5 миллион куб метр табиий газни қайта ишлаш ҳисобидан 3,7 миллиард куб метр газ, 387 минг тонна полиэтилен, 83 минг тонна полипропилен, 102 минг тонна пиролиз бензини ва бошқа қимматбаҳо маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконияти юзага келади.

Дарҳақиқат, юртимизда яратилган қулай ишбилармонлик муҳити Оролбўйида ҳам кўплаб истиқболли лойиҳалар рўйига кенг йўл очмоқда. Мисол учун, ўтган йили мазкур ҳудуднинг иқтисодиёт тармоқларига киритилган жами инвестициялар ҳажми 2366,0 миллиард сўмни ташкил этган бўлса, жорий йилнинг биринчи чорагида бу кўрсаткич 662,3 миллиард сўмга етди. Пировадиди янги sanoat тармоқлари, кичик бизнес субъектлари ташкил этилиши, мавжуд қувватлар модернизация қилиниши баробарида, кўплаб ёшларнинг иш билан бандлиги таъминланди.

(Давоми 2-бетда).



СУРАТДА: "Orient Technology" қўшма корхонаси фаолиятдан лавҳа.

Шомурот ШАРАПОВ олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН ИШБИЛАРМОНЛАРИ ХАЛҚАРО САНОАТ ЯРМАРКАСИДА

СИАН шаҳри, 23 май. УА махсус мухбири Ирода УМАРОВА хабар қилади.

Хитойнинг Шаньси провинцияси Сиан шаҳрида 23 май куни Халқаро саноат ярмаркаси очилди. Унда Ўзбекистоннинг бир гуруҳ ишбилармонлари ҳам иштирок этмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида саноат тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, экспортни қўллаб-қувватлаш борасида изчил амалга оширилаётган ишлар самарасида мамлакатимизнинг экспорт салоҳияти юксалиб бормоқда. 2013 йилда экспорт ҳажмининг ўсиши

10,9 фоиздан иборат бўлди. Умумий экспорт ҳажмининг 72 фоиздан ортиги тайёр товарлар ҳисобига тўғри келди.

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 8 августдаги қарорига асосан, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузурида ташкил этилган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортни қўллаб-

қувватлаш жамғармаси бу соҳадаги ишларни янада ривожлантириш, мамлакатимиз корхоналарини экспорт фаолиятига жалб этиш, уларнинг маҳсулотларини ташқи бозорларга йўналтиришда муҳим ўрин тутмоқда. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида филиалларига эга бўлган мазкур жамғарма тадбиркорларнинг халқаро кўргазма ва ярмаркаларда иштирок этиши, чет эллик ҳамкорлар топиши ва шартномалар тузиши, хорижий давлатлар қўнуқчилигига мувофиқ, лицензия ва сертификатлар, бошқа рухсатномалар олишида ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий ёрдам кўрсатмоқда. Жамғарма томонидан олтишарга яқин хорижий ташкилот

билан ҳамкорлик ўрнатилгани кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ўз маҳсулотларини экспорт қилишда муҳим аҳамият касб этаётди. Мазкур жамғарма кўмагида юртимиз ишлаб чиқарувчилари чет элларда ўтказилаётган йирик халқаро кўргазма-ярмаркаларда иштирок этиб, маҳсулотлари экспортнинг жүрғуриясини кенгайтириш, харидорлар топиш ва шартномалар тузишга муваффақ бўлмоқда. Хитойда очилган Халқаро саноат ярмаркаси ҳам мамлакатимиз ишбилармонлари учун ана шундай имконият яратди.

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. "Суд ҳукми тўғрисида"ги ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг айрим қарорларига ўзгариш киритиш тўғрисида"ги Пленум қарори лойиҳалари муҳокамасига бағишланган тадбирда Олий суд судьялари, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва унга тенглаштирилган судлар раислари, парламент аъзолари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари, ҳуқуқшунослар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Олий суд Пленуми

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Б. Мустафоев ва бошқалар эътироз этакидек, жамиятни демократик янгилашнинг бугунги босқичидаги энг муҳим йўналишлардан бири, бу — қонун устуворлиги ҳамда қўнуқчиликни муштаҳамлаш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизimini янада изчил либераллаштиришдан иборат. Шу боис суд ҳокимияти мустақиллигини янада муштаҳамлаш, судья кадрларни танлаш, лавозимга тавсия этишнинг демократик тамойилларга мос келадиган мукамал тизимини яратиш ва суд кадрлари ижтимоий муҳофазасини тубдан яхшилашга йўналтирилган муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг кейинги йилларда қабул қилинган 4 та Фармон ва фармойиши соҳа ислохотларини янги босқичга кўтарди. Яқинда қучга кирган Қонун билан тасдиқланган Судьяларнинг малака хайъатлари тўғрисидаги низом амалиётга жорий этилиши тизим ислохотларини янада чуқурлаштиришга хизмат қилмоқда.

Қурилаётган бундай кенг кўламли чора-тадбирлар, албатта, судьялар ва суд ходимлари зиммасига катта масъулият юклайди. Аниқ айтилган бўлса, суд-ҳуқуқ тизимига жорий қилинаётган янгилик ҳамда ўзгаришлар муваффақияти кўп жihatдан судья кадрлар салоҳияти, билими ва малакасига боғлиқ. Олий суд Пленум йиғилишида муҳокама қилинган "Суд ҳукми тўғрисида"ги қарор лойиҳаси ана

шу мақсадга қаратилгани билан ахамиятлидир. Зеро, суд ҳукми Ўзбекистон Республикаси номидан чиқариладиган муҳим процессуал ҳужжат бўлиб, суд айблов ёки оқлов ҳукми чиқариш орқали шахснинг Конституцияда белгиланган муайян ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш ёхуд бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш ҳақида ўз ҳулосасини баён қилади. Шу маънода, суд ҳукми тўла қўнуқий, асосли ва адолатли бўлишига эришиш айни мuddаодир.

Олий суднинг 2014 йилга мўлжалланган иш режасига асосан ташкил этилган ишчи гуруҳи томонидан жиноят ишларини кўриши ва суд қарорлари қароридан юзага келаётган айрим муаммо ва тушунмовчиликларнинг қонуний ечимини топиш, ҳуқуқни қўллаш жараёнида чўқурлаштириш ва тергов органлари ҳамда судлар томонидан йўл қўйлаётган хато ва камчиликларни бартараф этиш, умуман, судлар томонидан қонунларни бир ҳилда қўллаш ва бу борада ягона суд амалиётини шакллантириш мақсадида Олий суд Пленумининг янги таҳриридаги "Суд ҳукми тўғрисида"ги қарори лойиҳаси ишлаб чиқилди. Ишчи гуруҳи томонидан ушбу қарор лойиҳасини тайёрлаш жараёнида жиноят ишлари ўрганилди.

Яқинда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Пленум мажлисида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р. Қодиров иштирок этди.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Модернизация:

РИВОЖЛАНИШНИНГ ДАДИЛ ОДИМЛАРИ



Навоий вилояти саҳронинг олтин тўла сандиғига қиёсланиши бежиз эмас. Чунки бу замин ер ости хазиналарига бой. Қизилқум бағридан қазиб олинаётган кўплаб турдаги нодир маъданлар ўзининг юқори сифати, ноёб хусусиятлари билан дунёда етакчи ўринларни банд этиб келади. Бу эса, ўз навбатида, ҳудудда тоғ-кон саноатининг жадал ривожланишига хизмат қилаётди.

ИСЛОХОТ

Этиборлиси, кейинги йилларда воҳада бундай истиқболли соҳалар кўлами кенгайиб, ишлаб чиқаришнинг машинасозлик, тўқимачилик, қурилиш, энергетика, кимё каби муҳим тармоқларида ҳам катта муваффақиятларга эришилапти. Масалан, ҳозирги кунда мамлакатимиз кишлоқ хўжалиги тармоқларига етказиб берилётган азотли минерал ўғитларнинг 40 фоиз-

га яқини Навоий вилояти ҳиссасига тўғри келиши, қолаверса, бу турдаги рақобатбардош маҳсулотлар жаҳон бозориди ҳам тобора харидорғир бўлиб бораётгани ҳудуднинг иқтисодий имкониятлари, экспорт салоҳияти йил сайин юксалиб бораётганидан далolat беради.

(Давоми 2-бетда).

Жорий йилнинг биринчи чорагида мамлакатимизда ўзлаштирилган капитал қўйилмаларнинг умумий ҳажми эквивалентда

2,5 миллиард долларни ташкил этди.

Инвестиция сиёсатининг фаол амалга оширилиши ва энг замонавий объектлар ҳамда қувватларнинг ишга туширилишини жадаллаштириш шунча миқдордаги сармояни ўзлаштириш имконини берди.

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

Ўзбекистон — Латвия:

ҲАМКОРЛИКНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Икки мамлакатнинг сармоявий ҳамкорлиги изчил мустақамла- ниб бормоқда. Хозирги пайтда Ўзбекистонда Латвия сармояси иштирокидаги 22 корхона фао- лият юрятапти. Ташқи иқтисод- ий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида Латвиянинг 19 компанияси ваколатхонаси аккредитациядан ўтган.

рақобатбардошлигини ошириш, бунинг учун мавжуд транзит са- лоҳиятидан юқори даражада фойдаланиш вазифаси турибди. Шу ўринда қайд этиш зарурки, хозирги пайтда Ўзбекистоннинг ташқи савдо юқлари Латвия порт- лари орқали Европа Иттифоқи мамлакатларига етказиб берил- моқда, халқаро темир йўл юқлари ташиш ҳамжи эса 2013 йили 146 минг тоннадан ошди.

Латвия шериклик алоқаларининг янада мустақамланишида муҳим воқеа бўлди. Мазкур анжуманлар якуни иқтисодийнинг турли тар- мақларида фаол ҳамкорлик учун салмоқли салоҳият ва имконият- лар мавжуд эканлигини яна бир қарра намойён қилди.

концертлар ташкил этилаёпти, икки мамлакат фольклор жамоа- лари эса Ўзбекистон ҳамда Лат- вияда ўтказиладиган турли ма- даний тадбирларнинг доимий иштирокчисидир. Жумладан, 2013 йили "Шарқ тароналари" халқаро мусика фестивалида Латвиянинг "Диана Пирагс ва Чо- колад" ҳамда "Талси" мусика гу- руҳлари муваффақиятли қатнаш- ди. Латвия миллий операси ва Алишер Навоий номидаги Ўзбе- кистон давлат академик катта те- атри ўртасида йўлга қўйилган ижодий ҳамкорлик кўламли ҳам тобора кенгайиб бормоқда.

Ташқи соҳасидаги алоқалар- ни йўлга қўйишда ҳам салмоқли маънавий меросига хурмат рамзи си- фатида Ригада буюк бобоқалон- ларимиз Мирзо Улугбек ҳамда Абу Али Ибн Сино ҳайкаллари қад ростлаган. Мунтазам равиш- да баъдий кўргазмалар ва сурат- лар кўргазмалари ўтказилмоқда,

ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР САМАРАСИ

мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятининг тобора юқсалишига хизмат қилмоқда

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Бундан тўрт йил муқаддам Нукус шаҳрида фаолият бошла- ган МЧЖ шаклидаги "Orient Technology" қўшма корхонаси — шулардан бири. 11 миллиард сўм маблаг эвазига амалга оширил- ган мазкур лойиҳа айна пайтда йилга 4800 тонна терини қайта ишлаш имконини бераёпти.

— Айни пайтда ойига 10 тонна маҳсулот тайёрланмоқда. Хом ашё, яъни қизилмия илдири фер- мер ҳўжаликлари билан тузилган шартнома асосида етказиб бе- рилмоқда. Ишнинг узлуқсизлиги- ни таъминлаш мақсадида жамоамизнинг ўзи келгусида 509 гектар ерда қизилмия етиш- тирмоқчи.



Модернизация:

РИВОЖЛАНИШНИНГ ДАДИЛ ОДИМЛАРИ

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Кўлга киритилаётган бундай ютуқларда "Navoiyazot" очқ ак- циядорлик жамияти жамоасининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Негаки, бу ерда тайёрланаётган 70 дан ортиқ турдаги аммиакли селитра, азотли-фосфорли ўғит- лар, нитрон толаси, метанол, хлор, унифок, полиакриламид каби қимёвий хом ашёларнинг аксарияти айна кунда йигирма- дан ортиқ хорижий давлатга экспорт қилинаёпти. Чунинчи, "Navoiyazot" да биргина ўтган йилнинг ўзида қарийб ярим триллион сўмлик маҳсулот тайёрланиб, шундан асосий қисми чет эллик буюртмачилар- га жўнатилади.

низациялаш ишлари изчил давом эттириляпти. Йилга 660 минг тонна аммиак ва 577,5 минг тонна кар- бамид ишлаб чиқаришга мўлжалланган мажмуани барпо этиш лойиҳаси — шулардан бири. Бугун "Ўзкимёсанот" ДАК, "Ўзкимёсанотлойтиҳа" ОАЖ ва корхонанинг етук мута- хассислари иштирокида ишлаб чиқилган мазкур лойиҳа доира- сида мажмуани қурувчи компа- нияларни танлаш ишлари олиб бориляпти. Бундан ташқари, "Navoiyazot" да поливинилхлорид ва каустик сода ишлаб чиқарув- чи янги мажмуани ҳам бунёд этиш кўзда тутилган. Бу — келгусида қарийб 260 миллион долларга тенг импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлаш имконияти юзага келади, деганидир.

кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқариш мақсадида салмоқли капитал қўйилмаларни ўзлаш- тирамиз, — дейди "Navoiyazot" ОАЖ бўлим бошлиғи Жасурбек Йўлдошмуродов. — Шу билан бирга, йил давомида эскирган усуналарни замонавийлари билан алмаштиришга алоҳида эътибор қаратилади. Бу мақсад- лар учун 5,5 миллион АҚШ дол- лари микдорига маблаг йўнал- тилиши режалаштирилган.

Албатта, саноат ривожини техник ва технологик янгиланиш- ларсиз тасаввур қилиб йўлмай- ди. Шу боис корхонада ишлаб чиқариш тармоқларини илғор ва замонавий дастгоҳлар билан жи- ҳозлашга устувор вазифа сифа- тида қаралмоқда. Хусусан, хозирги кунда жамиятда 10 дан зиёд истиқболли лойиҳа доира- сида улкан бунёдкорлик, модер-

Дарҳақиқат, изланиш — муваффақиятлар омили. Мута- хассислар эътирофича, ўн бир мингта янги киши меҳнат қила- ётган мазкур корхонада белги- ланган истиқболли лойиҳалар- нинг муваффақиятли рўёбга чи- қарилиши тўғрисида 2017 — 2019 йилларга бориб, маҳсулот тай- ёрлаш қуввати 2,6 баравар ортиши баробарида, кимёгар- лар сафи яна минглаб ёш мута- хассислар билан кенгайди.

муваффақиятлар омили. Мута- хассислар эътирофича, ўн бир мингта янги киши меҳнат қила- ётган мазкур корхонада белги- ланган истиқболли лойиҳалар- нинг муваффақиятли рўёбга чи- қарилиши тўғрисида 2017 — 2019 йилларга бориб, маҳсулот тай- ёрлаш қуввати 2,6 баравар ортиши баробарида, кимёгар- лар сафи яна минглаб ёш мута- хассислар билан кенгайди.

Азамат ЗАРИПОВ, «Халқ сўзи» мухбири. Шомурот ШАРАПОВ олин суратлар.

МАҚСАДЛИ ВА ИЗЧИЛ ФАОЛИЯТ — ЮТУҚЛАР ГАРОВИ

Мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, парламентимизда қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатларнинг аҳамияти, мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш, сайловчилар манфаатларини муҳофаза этишда, шубҳасиз, маҳаллий Кенгашлар депутатларининг ташаббус- корлиги, фидойилиги муҳим аҳамиятга эга. Шу муносабат билан жойларда Ўзбекистон

Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайти- ришга қўмақлашувчи комиссияси томонидан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва уларнинг доимий комиссияларининг фаолияти мониторинги ҳамда маҳаллий Кенгашлар сайловга оид қонун- чилик масалалари муҳокамасига бағишланган семи- нар-тренинглар бўлиб ўтди. Бу ҳақда "Халқ сўзи" мухбирлари хабар беради.

ўтказишнинг қонунчилик асослари, улар ишини юритишда юридик хизматнинг ўрни, партия гуруҳларининг ўз вако- латларини амалга ошириш имконият- лари каби мазмулардаги маърузалар интерфол усулда ҳавола қилинди. Эътироф этилганидек, ўтган давр мо- байнида халқ депутатлари вилоят Ке- нгаши сессиясига сиёсий партияларнинг депутатлик гуруҳлари томонидан қўлаб долзарб масалалар киритилган. Бу ма- ҳаллий Кенгаш ва доимий комиссиялар фаолиятида сезиларли ўсish кузатила- ётганини кўрсатиб турибди. Айниқса, сайловчиларни қабул қилинган қарор- лар мазмун-моҳиятидан бохабар этиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш борасида муайян тажриба тўплаганини ижобий баҳолаш мумкин.

мазмун-моҳиятини аҳолининг барча қатламларига етказишда депутатлар- нинг ҳиссаси катта экани, айниқса, халқ вакилларининг ўз қарорлари ижросини назорат қилиш борасидаги фаолияти янада мақсадли, таъсирчан ва самарали бўлаётгани таъкидланди. Бу эса халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва уларнинг доимий комиссиялари ишида доимий изланиш билан бирга, ўз фао- лиятининг қонунчилик асосларини муфассал билиши зарурлигини талаб қилади.

Жиззах вилоятида бўлиб ўтган семинар-тренингда юртимизда узоқни қўлаб олиб борилаётган одилона сиёсат тўғрисида жамият ҳаётининг барча жабҳаларида ижобий ўзгаришлар кузатилаётгани қайд этилди. Шу билан бирга, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, аҳолига муносиб ижти- моий-иқтисодий шарт-шароитлар яратиб беришга қаратилган муҳим дастурлар қабул қилиниши жараёнида маҳаллий Кенгашлар ва уларнинг доимий комиссиялари фаолиятини янада такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.

МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДА

Анджонда ўтказилган семинар-тре- нингда маҳаллий Кенгашлар, доимий комиссиялар раислари, ишчи гуруҳлар аъзолари, сиёсий партияларнинг вилоят кенгашлари раҳбарлари иштирок этди. Семинарда халқ депутатлари маҳал- лий Кенгашлари ва улар доимий ко- миссияларининг 2012 йил иккинчи яр- мидаги ва 2013 йилдаги фаолияти мо- ниторинги натижалари таҳлил қилинди. Таъкидланганидек, ушбу даврда худуд ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг барча соҳаларига таалуқли 600 дан ортиқ ма- салалар халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессиялари ва доимий комис- сиялар йиғилишларида кўриб чиқилган.

турмуш даражасини яхшилаш, ёшлар, хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтирилгани билан аҳами- ятлидир. Ҳуқуқ домидаги бу борада жой- ларда олиб борилаётган ижобий тажри- баларни оммалаштириш, худудий муаммоларни ҳал қилишда маҳаллий Кенгашлар доимий комиссиялари ва депутатларнинг доимий назоратга оли- ниши лозим бўлган жиҳатлар юзаси- дан фикрлашиб олинди. Айниқса, қонунчиликдаги сўнгги ўзгаришлар, қонунчиликдаги сўнгги ўзгаришлар, уларни ҳаётга татбиқ этиш механизм- лари тўғрисида берилган фойдали маъ- лумотлар фаолиятимизни самарали ташкил этишда қўл келмоқда.

Хусусан, халқ депутатлари вилоят, ту- ман ва шаҳар Кенгашлари ҳамда улар- нинг доимий комиссиялари фаолияти- ни тартибга солувчи ва йўналтириб ту- рувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мурофиқ, худудларнинг ижтимоий-иқ- тисодий ривожланишини таъминлаш бўйи- ча аниқ чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилган.

— Ҳозирги кунда доимий комиссиялар халқ депутатлари маҳал- лий Кенгашлари иши, жумладан, ижти- моий-иқтисодий ривожлантиришнинг худудий дастурларини ишлаб чиқув- чи ва ижросини ташкил этишда фаол кучга айланди, — дейди халқ депутатлари ви- лоят Кенгашининг Саноат, транспорт, қурилиш, коммунал ва аҳолига хизмат- лар кўрсатиш масалалари доимий ко- миссияси раиси Мухторхон Ҳошимхо- нов. — Масалан, комиссиямиз томони- дан сўнгги бир йил давомида 7 та ма- сала ўрганилиб, бир қатор давра суҳ- батлари ва семинар-тренинглар ўтқи- зилди. Саноат соҳасини ривожланти- риш, Бандлик дастури ижроси халқ де- путатлари вилоят Кенгаши сессиясида атрофича муҳокама қилинди.

Саноат соҳасини ривожланти- риш, Бандлик дастури ижроси халқ де- путатлари вилоят Кенгаши сессиясида атрофича муҳокама қилинди. Фарағонада бўлиб ўтган семинар-тре- нингда халқ депутатлари маҳаллий Кен- гашлари сайловини ташкил этиш ва

Семинар давомида парламенти- мизда қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳуж- жатларнинг мазмун-моҳияти билан ат- рофича танишиш, — дейди халқ депу- татлари Навоий вилояти Кенгаши депутати Холмамат Раупов. — Хусусан, сайлов қонунчилигида киритилган янги нормалар ҳақида батафсил фикрлаш- диқ. Таъкидлаб ўтилганидек, "Халқ де- путатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 22-моддасига киритилган қўшимча сайлов қонунчилигининг янада такомиллашуви, муносиб номзодлар- ни танлашга, сайловлар жараёнида тасодиқий ёки жамият эътиборига тушмаган юзакли номзодлар иштироки- нинг истисно этилишига, энг асосийси, кўппартиявийлик ва партиялараро рақобатнинг кескинлашуви, натижада жойларда Кенгашлар салоҳиятининг янада ошишига хизмат қилади.

Вилоят мухбирлари материаллари асосида тайёрланди.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН ИШБИЛАРМОНЛАРИ ХАЛҚАРО САНОАТ ЯРМАРКАСИДА

Халқаро савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш мақсадида илк бор ташкил этилган мазкур саноат ярмаркасида Канада, Германия, Италия, Испания, Ўзбекистон, Австрия, Венгрия, Кипр, Австралия, Филиппин, Япония, Жанубий Корея, Малайзия, Сингапур, Таиланд, Иордания, Эрон, Хиндистон, Қозоғистон, Туркменистон каби 35 мамлакатдан компания ва корхоналар, саноат корхоналари ва савдо ташкилотлари ўз маҳсулотлари ва хизматлари билан иштирок этмоқда. Сиан шаҳрининг Чюцзан халқаро кўргазмалар марказида ўтказилаётган ушбу нуфузли ярмаркада Ўзбекистон маҳсулотлари ўзига хос дизайни, рақобатбардошлиги ва кенг асортименти билан ажралиб турибди.

— Яратилаётган қулай имкониятлар туфайли мамлакатимизда ўз маҳсулотларини экспорт қилиш истагидаги ишбилармонлар тобора кўпайиб бормоқда, — дейди Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маркетинг тадқиқотлари ва ташқи бозорларни ўрганиш бўлими бошлиғи Камоллиддин Нурматов. — Ўзбекистон Савдо-саноат палата-

си билан ҳамкорликда уларга ҳар томонлама қўмақ беришга, йирик саноат ярмаркаларида иштирокини кенгайтиришга ҳаракат қилаяпмиз.

Мазкур халқаро ярмаркада мамлакатимизнинг машинасозлик, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноати, қурилиш материаллари ва картон-қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқариш, мебелсозлик, кўнчилик, кимё саноати, сармоё ва меҳмонхона хўжалиги каби тармоқларда фаолият юритаётган етмишдан ортиқ компания ва корхоналари иштирок этмоқда. «Yagona Hamkor Nuri», «Mumtoz Lyuks Tekstil», «Fabrika Namuna», «Pokizaxon», «Shukur Toji Baraka», «Nukus Agro», «Farg'ona Kimyo Zavodi», «Saxovat-Teks», «Xorazm Gilamlari», «Kinder Fruits», «NBU Invest Group», «Quva Qandolatlari», «Vodiy Muzqaymog'i», «Andburservis», «Istiqloil Sanoat Medservis» каби саноат муассасалари шулар жумласидандир.

— Корхонамиз мамлакатимизда етиштириладиган турли ўсимликлардан, ёнғоқ, узум, ўрик ва бодом

данакларидан ёғ ишлаб чиқаради, — дейди «Shukur Toji Baraka» хусусий корхонаси директорининг ўринбосари Нейматилла Каримов.

— Ҳеч қандай кимёвий воситаларсиз тайёрланадиган, юқори сифатли маҳсулотларимиз хорижликларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Мазкур ярмаркада ҳамкорлар топиб, ўз маҳсулотимизни экспорт қилиш ниятидамиз. Келгусида маҳсулотларимиз турини янада кенгайтиришни мақсад қилганмиз. Хусусан, тиббиёт, пардоз-андоз ва қандолатчилик йўналишларида ишлатиладиган маҳсус кукунлар ишлаб чиқаришни мўлжаллаяпмиз. Биз, тадбиркорларнинг эркин ва муваффақиятли фаолият юритиши йўлида барча зарур шароит яратиб берилаётгани учун Президентимиздан миннатдорим.

Ярмаркада мамлакатимиз тадбиркорлари томонидан намойиш этилаётган маҳсулотлар анжуман иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотмоқда. Шунингдек, чет эллик ишбилармонларга Ўзбекистондаги

қулай сармоёвий муҳит ҳақида маълумот берилмоқда.

— Ўзбекистоннинг саноат соҳасидаги улкан салоҳияти билан яқиндан танишимиз, — дейди Хитойнинг Цзяоцзо шаҳри савдо ташкилоти раисининг ўринбосари Фу Шиао Вен. — Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар юксак сифати, ўзига хос дизайни ва халқаро андозаларга тўла мослиги билан бизга жуда манзур бўлди. Айниқса, «МММ» хусусий корхонасида тайёрланган гиламлар хавасими торти. Тўғрисиани айтсам, мўйна ва чармдан ишланган бундай гўзал гиламларни аввал учратмаган эдим. Ушбу корхона билан ҳамкорлик қилишга келишиб олдик.

Бугунги кунда мамлакатимизда юзлаб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўз маҳсулотини «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» ёрлиғи билан экспорт қилаётди. Мазкур Халқаро саноат ярмаркасида иштирок этаётган «Yagona Hamkor Nuri» корхонаси

ҳам ана шундай саноат субъектларидан.

— Фақат пахта толасидан бўлган трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарамиз, — дейди корхона директори Санобар Носирова. — Маҳсулотларимизни бир неча мамлакатга экспорт қиламиз. Ушбу саноат ярмаркасида қатор хорижий ишбилармонлар билан музокара ўтказиб, ҳамкорликни йўлга қўйиш борасидаги таклифларини ўрганаёламиз.

Сиан халқаро саноат ярмаркаси турли мамлакатлар ишбилармонлари билан савдо-иқтисодий алоқалар ўрнатиш, истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун яхши имкониятлар бундан самарали фойдаланиб, ўз маҳсулот ва хизматларини экспорт қилиш бўйича келишувларга эришмоқда.

Ярмарка 26 майга қадар давом этади.

(ЎЗА).

ЖАХОН
24
СОАТ ИЧИДА

Греция иқтисодиётида ижобий томонга силжиш кузатилаётгани сабабли «Fitch Ratings» халқаро рейтинг агентлиги ушбу мамлакат рейтингини «В-дан В» — «барқарор» даражасига кўтарди.

Рейтингдаги ўзгариш

Бу мазкур ташкилотнинг сўнгги ўн кун ичида Греция рейтингини бўйича эълон қилган иккинчи ҳулосасидир. Гап шундаки, 15 майда «Fitch Ratings» унинг даражасини «ССС»дан «В-га» оширганди. Манбада изоҳланишича, Греция ҳукумати бюджет тақчиллигини қисқартириш йўлида фол иш олиб бормоқда. Айни шу жиҳат унинг рейтингини кўтаришига асос бўлаяпти.

Қимматбаҳо савдо белгиси

Буюк Британиянинг «Millward Brown Optimor» тадқиқот компанияси 2013 йилдаги энг қиммат савдо белгилари рейтингини эълон қилди.

Мазкур рўйхатнинг биринчи поғонасини 159 миллиард АҚШ долларига баҳоланган «Google» бренди эгаллади. Унинг қиймати 2012 йилдагига нисбатан 40 фоиз ошган бўлиб, «Google» бу борада ҳатто кетма-кет уч йилдан буён етакчилиكنи бой бермай келаётган «Apple» компаниясидан ҳам ўзиб кетган. Тадқиқотчиларнинг фикрича, «Google» инновацияларга алоҳида эътибор қаратиб, шундай муваффақиятга эришди.

Мавсум эрта яқунланди

Испанияда ҳар йили икки мингга яқин буқа жанги — коррида ўтказилади.

Аммо икки кун аввал Мадрид шаҳридаги «Лас-Вентас» аренасида ташкил этилган шундай томоша вақтида бир йўла уч нафар матадорнинг жароҳатлангани туфайли жорий мавсумга белгиланган барча жанглари бекор қилинди. Маҳаллий «El País» нашрида ёзилишича, уша кунги шоуга иккита жонивор келтирилган. Дастлабки жангда улардан бири матадор Давид Моранинг оёғига жиддий шикаст етказган. У жуда оғир аҳволда шифохонага олиб кетилган. Қолган

Илонлар... уқаловчи

Филиппиннинг Себу шаҳрида жойлашган ҳайвонот боғи мазмурияти сайёҳларга антиқа хизмат таклиф қилмоқда.

У ҳам бўлса, бепул масаж. Қизиқ жиҳати, уни одамлар эмас, ҳайвонот боғидаги оғирлиги 250 килограммга тенг бўлган тўртта илон амалга оширади. Аммо ҳозирча бу таклифга ҳеч ким розилик бергани йўқ.

Изоҳланишича, йирик илонлар тана устида 10-15 дақиқа ҳаракатланса, одам тинчланиб, ором оларкан.

Хориз матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

«Сиз қонунни биласизми?»

Бухорода «Сиз қонунни биласизми?» танловининг республика босқичи бўлиб ўтди. «Камолот» ЁИХ, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунара таълими маркази, Адлия ва Ички ишлар вазирликлари ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда мамлакатимизнинг барча худудидан 14 та жамоа қатнашди.

ТАНЛОВ

Айтиш жоизки, мазкур аънаваный танловга қизиқиш йил сайин ошиб бормоқда. Унинг бу галги куйи босқичларида 1500 дан ортиқ академик лицей ва коллежларнинг 55 минг нафарга яқин ўқувчиси иштирок этгани фикримиз тасдиғидир. Ёшлар ўртасида ҳуқуқий таълим-тарбияни такомиллаштириш, жамиятда қонун устувор бўлишига эришиш, ҳуқуқий демократик давлат барпо қилишда ёшлар фаоллигини таъминлаш, ўғил-қизларнинг эркин фикр қобилияти ва нуқт маданиятини ошириш, уларни

қонунларга ҳурмат руҳида тарбиялаш каби қатор мақсадларни кўзда тутиб тадбирда қатнашчилар мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлар мазмун-моҳиятини тушунтириб беришди, ўз таклифларини кўргазмали тарзда намойиш этишди. Жамиятда учраб турадиган айрим ижтимоий-ҳуқуқий масалаларни саҳна кўриниши орқали намойиш қилишди. Танловда «Ёшларга оид қонунчилик — ёшлар нигоҳида» шарти талабларидан келиб чиқиб, иштирокчилар «Ўзбекистон Республикаси-

ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК

ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ бош офиси ва амалиёт бошқармаси биносида қўриқлаш ҳамда ёнғиндан оғохлантириш сигнализацияси (КЕОС) воситаларини ўрнатиш бўйича очиқ тендер мuddати 2014 йил 5 июнга қадар узайтирилади.

Тендерда Ўзбекистон Республикасидаги резидент ва норезидент ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

1. Тендер комиссияси ишчи органнинг манзили ва телефони: Ўзбекистон Республикаси, 100000, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 3-уй. Телефон: (8-371) 120-45-39. Факс: (8-371) 233-37-12. E-mail: safety@uzpsb.uz

2. Тендер мавзуси — «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ биносида қўриқлаш ва ёнғиндан оғохлантириш сигнализацияси (КЕОС) воситаларини ўрнатиш.

3. Махсулотни етказиб бериш шартлари ва мuddатлари: махсулотни етказиб бериш шартлари ва мuddатлари тендер ҳужжатларида акс эттирилган.

Тендер ҳужжатларининг баҳоси — 300 АҚШ доллари.

Қўшимча маълумотлар ва тендер ҳужжатларини харид қилиш учун тендер комиссиясига мурожаат этиш лозим.

Тендер таклифларини қабул қилишнинг сўнгги мuddати — 2014 йил 5 июнь соат 18.00 гача (Тошкент вақти билан).

Умумтаълим мактаблари, болалар мусиқа ва санъат мактабларига жиҳозлар харид қилиш бўйича тендер савдоларини ўтказиш тендер комиссияси томонидан

жорий йилнинг 2 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг uzedu.uz, 4 апрель куни Республика товар-хом ашё биржасининг uzex.uz сайтларида ҳамда 5 апрель куни «Маърифат» газетасининг 28 (8677)-сонида ва 23 апрель куни «Халқ сўзи» газетасининг 78 (6008)-сонида 2014 йилда умумтаълим мактаблари ҳамда болалар мусиқа ва санъат мактабларига мебелъ, ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси, спорт анжомлари, мусиқа чолғу асбоблари ва инвентарлар харид қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги «Тендер савдоларини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 456-сонли қарорига асосан, очиқ тендер савдолари ўтказилиши тўғрисида эълон берилган эди.

Мазкур берилган эълон мuddати куйида кўрсатилган лотлар бўйича узайтирилганлигини маълум қиламиз.

| Т/р | Лот номи | Лот рақами |
|-----|---|---|
| 1. | Физика лаборатория хонаси учун ускуналар (72 номда) | 15, 16-лотлар |
| 2. | Кимё лаборатория хонаси учун ускуналар (42 номда) | 17, 18-лотлар |
| 3. | Биология лаборатория хонаси учун ускуналар (57 номда) | 19, 20-лотлар |
| 4. | Кимё ва биология лаборатория хоналари учун ускуналар | 21, 22-лотлар |
| 5. | Тиббиёт хонаси | 24-лот |
| 6. | Фоллар зали учун мебеллар ва ускуналар | 25-лот |
| 7. | 5-9 синф «Чет тиллари» ва «Ўқув компьютер» хоналари учун ускуналар ҳамда болалар мусиқа ва санъат мактаблари учун компьютер техникалари | 26, 27, 28, 29, 33, 34, 35, 36, 37, 38, 39-лотлар |
| 8. | «Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари» хонаси учун ускуналар | 40, 41, 42, 43, 44-лотлар |
| 9. | Умумтаълим мактаблари учун DVD-плеер | 45-лот |
| 10. | Болалар мусиқа ва санъат мактаблари учун Европа мусиқа чолғулари ва ускуналар | 51, 52, 53, 54, 55, 56, 57, 58, 59, 60, 61, 62, 63, 64-лотлар |
| 11. | Болалар мусиқа ва санъат мактаблари учун махсус мебелъ ва инвентарлар | 65, 66, 67, 68, 69-лотлар |
| 12. | Болалар мусиқа ва санъат мактаблари учун мусиқий марказ | 72-лот |
| 13. | Болалар мусиқа ва санъат мактаблари учун ёритиш ускуналари | 73-лот |
| 14. | Болалар мусиқа ва санъат мактаблари учун тикув машинаси | 74-лот |
| 15. | Болалар мусиқа ва санъат мактаблари учун маиший ускуналар | 75-лот. |

Тендер таклифларини қабул қилиш мuddати 2014 йил 2 июнь куни соат 17.00 га қадар этиб белгиланган.

Тендер савдолари тўғрисида қўшимча маълумот олиш учун тендер комиссиясининг ишчи органига (шанба ва яқшанбадан ташқари) тендер таклифларини қабул қилишнинг охириги кунига қадар ҳар куни соат 10.00 дан 17.00 гача куйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони 5-уй, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги.
Телефонлар: (8-371) 239-41-11, 239-19-58, 239-41-27, 239-13-35, 239-18-24. Факс: (8-371) 239-89-58.

«SHO'RTAN GAZ-KIMYO MAJMUASI» УШК

«POLIETILEN QUVURLAR» ШК

«Навой» эркин индустриал-иқтисодий зонасида жойлашган, «Шўртан газ-кимё мажмуаси» қошидаги «POLIETILEN QUVURLAR» шўъба корхонасида

диаметри 75 мм.дан 250 мм.гача бўлган полиэтилен қувурлар ва уларга бутловчи қисмлар ҳамда томчилатиб суғоришда фойдаланиладиган шланглар кенг асортиментда ишлаб чиқарилмоқда.

Бизнинг қувурларимиз сизни тез-тез учраб турадиган бузилиш ва таъмирлаш муаммоларидан кўп йиллар мобайнида халос этади.

Махсулот сертификатланган.

Буюртма ҳамда таклифлар куйидаги телефонлар орқали қабул қилинади: (8-436) 220-00-35, 220-00-36.

Шунингдек, буюртмаларни **pe-plast.uz** сайти ва **pe_plast@mail.ru** электрон манзилига юборишингиз мумкин.

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 210609, Навой вилояти, Кармана тумани, Маликработ кўргони.

«Тошкент труба заводи» ҚК

ўзида ишлаб чиқарилган махсулотларни сотади.

(нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган).

Сув ва газ ўтказувчи қувурлар — ГОСТ 10705-80, Ø 15 — 114 мм., баҳоси 1 тонна учун 3 250 000 сўмдан бошлаб.

Газ ва нефть ўтказувчи қувурлар — ГОСТ 20295-85, Ø 159 — 337 мм., баҳоси 1 тонна учун 3 500 000 сўмдан бошлаб.

Квадрат кесимидаги пўлат қувурлар — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20x20, 25x25, 30x30, 40x40, 50x50, 60x60, 80x80, 100x100, 150x150, 170x170.

Тўғри бурчак кесимидаги пўлат қувурлар — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30x20, 40x25, 50x25, 30x60, 40x60, 40x80, 50x100, 60x80, 60x100, 80x120, 80x150, 60x125. Девор қалинлиги 1,0 — 4,0 мм., баҳоси 1 тонна учун 2 850 000 сўмдан бошлаб.

Бундан ташқари, қўшма корхона «API-5L» стандарти бўйича ишлаб чиқарилаётган Ø 325 мм.дан Ø 1620 мм.гача, деворининг қалинлиги 6,0 — 24,0 мм.гача бўлган, электрпайвандланган, спирал чокли қувурларни харидорларга таклиф этади. Баҳоси — 1 тонна учун 3 950 000 сўм.

МАХСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Телефонлар: (8-371) 241-31-72, 241-29-94. Факс: (8-371) 241-31-94.

«Ўзгурсавдоинвест» уюшмаси раҳбарияти ва жамоаси савдо фахрийси

Собит Латипович ҲОЖИБЕГАНОВ вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.


Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармаси Фармакопея қўмитаси етакчи мутахассис-эксперти, фармацевтика фанлари доктори, профессор

Тўшби Пўлатович вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институти жамоаси Ишлаб чиқаришда хизмат кўрсатиш техникаси ва технологияси кафедраси катта ўқитувчиси Шавкат Ханнановга акаси

Рашид Самодович ХАННАНОВ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Кўнгил жиёбони



Хар кимдан сўз олиб, кенгаш сўрар эдим. Лекин айтилган ҳар бир маслаҳатнинг яхши-ёмон томонлари ҳақида ўйлаб кўргач, тўғри ва савоблироғини танлаб олардим.

Амр ТЕМУР.

Тор, қийшиқ кўчанинг ўксик оқшомини Турсункул аканинг чурук дарвозаси тепасига ўтқизилган бир фанорнинг титрак нурларигина ёритар эди. Уни ҳар кун кечкурун паст бўйли, бурушиқ юзли бир чол келиб, ёқиб кетар эди. Биз уни "Фанорчи ота", дер эдик. У жуда юввош, индамас кишиди, кичкина нарвончасини чаққон кўйиб, аллақандай усталик билан чиқар, қўлтиғидан кир рўмолчасини олиб, авайлаб фанор ойналарини артарди. Фанорни ёққач, ерга тушиб, обқашдек буқилган елкасига нарвончасини кўйиб бирпасда кўздан йўқолар эди.

ФАНОРЧИ ОТА

Фанор қурилган вақтларда бутун маҳалла қувониб, унга аллақандай меҳр ила қараган бўлсалар-да, бу меҳр узокча чўзилмаганди. Кейинча ҳар ким унга парвосиз бўла бошлади.

Айниқса, маҳалла болалари ила фанор орасида англашилмас душманлик уйғонди. Тўпланишиб, аввало, бир-биримизнинг дўппимизни отишар, фанорга дўппи кийгизган ўртоқ мерганлиги ила керилар эди. Кейинча бу ҳам бизни зериктира бошлади. Чунки пистон қадалган ёки ҳар турли ипақлар билан безалган дўппини кийиб олиб, фанор чиройли бир тус олар, бизни хафа қилгандек бўлар эди. Шунинг учун қўлимизга тош, кесак олиб, фанорга ҳужум қилишни ўргандик. Бунда у жуда кучсиз эди: кичкина бир кесак ёки тош парчаси бечора фанорнинг ойна кўзларини ўпириб туширарди. Кейин-кейин Фанорчи ота ҳафтада уч-тўрт марта унга "янги кўзойнак" тақиб кетишга мажбур бўларди. У кетди, дарров биз янги "кўз"ини ўйиб олардик. Шундай бўлса-да, Фанорчи ота "лом" деб оғиз очмасди. Унинг бу қилиги бизга сира ёқмас, тутиб олиш учун пойласа, ҳатто, биронтамизни тутиб урса экан, дер эдик. Аммо шу тилақлардан биттаси ҳам юзга чиқмасди.

қошлари тагида қисилиб ётган кўзлари ила ҳаммамизга ялингансимон қаради-да, майин би товуш билан:

— Тентак болаларим, бу қандай гап? Фанорга тегмасанглр, бир нарса бўладими? У юқорида, сизлар пастда ўйнай беринглр-да.

Болалар жим бўлган эди.

— Сизлар ҳали ёш, кўзларингиз ўткир. Қоронги ҳам, ёруғ ҳам баравар. Хуфтон бўлмасдан оналарингизнинг кучоғида пиш-пиш ухлаб қола-сиз, ҳаммангиз. Бизга ўхшаш қари-қартанглр учун чирог жудаям керак, — деди.

Болаларнинг кўзи чол-да эди.

— Тунов кун кечаси қаттиқ ёмғир ёғиб турган эдик. Бу ёқса келсам, кўча у жуда кучсиз эди: кичкина бир кесак ёки тош парчаси бечора фанорнинг ойна кўзларини ўпириб туширарди. Кейин-кейин Фанорчи ота ҳафтада уч-тўрт марта унга "янги кўзойнак" тақиб кетишга мажбур бўларди. У кетди, дарров биз янги "кўз"ини ўйиб олардик. Шундай бўлса-да, Фанорчи ота "лом" деб оғиз очмасди. Унинг бу қилиги бизга сира ёқмас, тутиб олиш учун пойласа, ҳатто, биронтамизни тутиб урса экан, дер эдик. Аммо шу тилақлардан биттаси ҳам юзга чиқмасди.



ХИКОЯ

Бир кун, намозшом вақти, кўчада болалар кўп эди. Ичимизда энг кўп кўрқмайдиغان, энг баттол Қосим чўлок:

— Болалар! — деди.

Чанга ботган юзларимиз янги бир нарса кутиб, унинг кўзларига тикилдик.

— Фанорчи ота келадиган вақт яқин. Синдирамиз. Нима қилар экан? — деди-да, кўлга илинадиган бир нарса қидира бошлади.

Кўлларимиздан гизиллаб учган тош-кесаклар фанорнинг ҳамма кўзларини тешиб ўтган эди. Узокдан Фанорчи отанинг буқилган кичкина қомати яқинлаша бошлади. Нарвонча елкадан тушиб, таъзим ила деворга суянди. Фанорчи ота унинг устига чиқди-да, "чирт" этиб, гугуртни ёқди: фанор тўрт тарафдан қулаган уй каби ажиб тусда, яна бир томонга қийшайиб турар эди. Биз ҳаммамиз керилиб турар эдик. Баъзилар "пик-пик" қулишди. Чол касал одамга ўхшаб, секин-секин пастга тушди. Усиқ

ОЙБЕК.

Таниқлигу шарафинг отангдандир, меҳрибонлик, мушфиқлик онагдандир. Сенга энг яхши маслаҳат: мутақаб-бирлик билан юзингни тескари бурма ва шон-шухратинг билан фахрланма.

ЗАМАХШАРИЙ.

Киши кўзини чангдан, тутундан, иссиқ ва совуқликда мўътадил бўлмаган ҳаволардан, қаттиқ совуқ ва иссиқ шамоллардан сақлаши лозим. Кўзни узок вақтгача бир нарсадан ажратмай тикилиб туришдан сақланган яхши. Кўп йиғлаш кўзни тозалаб турувчи тадбирлардандир.

Абу Али ибн СИНО.



Баҳрамандлик

дунёга танитади. Китоблар халқлар орасидаги ижтимоий-сиёсий, илмий-адабий, маданий-маърифий алоқаларни кучайтиради. Маърифатталаб зиё аҳлининг кўнглини мустақам боғлайди. Яхши китоб ёлғиз инсонга энг ишончли ҳамроҳ, беминнат дўст, насиҳатга муҳтож одам учун энг доно маслаҳатгўй...

хис этади, юрак зарбини сезиб туради.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, қайси мавзуда ёзилганидан қатъи назар, яхши китобга талаб ҳар доим бор ва бундан кейин ҳам бўлади. Тўғриси, ўқилавериб муқова ички саҳифалари анча-мунча уриниб қолган, ҳатто титилиб кетган китоб муаллифлари бахтлидир ва аксинча...

Дарвоқе, китоб ўқиганларнинг ҳаммаси ҳам оқил ва доно, фаросатли ва маслаҳатгўй бўладими? Китоб ўқиш билан мақтаниб кибрга кетиш, ўзини бошқалардан баланд тутиш маданиятданми? Ўзлаб, минглаб китобларни ўқиб ўқмаганлар, ҳаёт тарзига, ахлоқига, виждонига, иймонига татбиқ этмаганлар борлигидан кўз юмиш — ҳақиқат юзига тескари боқишдир. Китобдан баҳра олиш — ботинни, руҳни тозалаш, ичкарини нурлантиришдир. Ўзлаб ҳикматли китоблар ўқиган олимнинг яқинлари — ота-онаси, фарзандлари, жуфти халолли, қариндош-уруғи, дўстлари кўнглига етказган чигитдек озори, тўғриси, виждонли одамни ўқитади. Ўқиган китобига амалсиз олимдан кўра, гўё умрида бирор китобни варақламагандек, ҳеч нарса билмагандек жим ўтириб, суқут сақлаш минг бора афзал ва аълодир.

Инсон ҳаётига татбиқ қилинган китобларнинг умри ҳар кун узаяди. Ҳаётимиз дастурига мос, турмуш муаммолари ечимига муносиб китоблар тирик яшайди ва яшнайди.

Баҳодир КАРИМ.

Баланд ва ҳашаматли биноларни моҳир усталар қуради. Уларга олимлар, оқиллар, донишмандларнинг китоблари ёруғлик олиб киради. Инсон вужудини руҳидан ажратиш мумкин эмас. Рухсиз танада жондан асар йўқ. Шунга монанд покиза жамиятни, ориф одамлар муҳитини яхши, фойдали, умрбоқий, ҳикматли, таъсирчан китобларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Минг йиллик маънавий жаҳарларни ўзида жамлаган китоблар ҳамма даврларда ҳам жамиятнинг маънавий кўрғини бўлиб келган.

Дунёдаги турфа тилли минглаб, миллионлаб одамлар гўзал ва боқий китоблар воситасида бир тилда сўзлашади. Умри узок, тирик китоблар ўз муаллифини, айни чоғда, ўзи мансуб миллатни


ўрама қоғоз ёки уларни беш-ун нусхада кўлда кўчириб кўпайтиришдан тортиб, то миллионлаб ададда босиб чиқариш, ҳатто электрон китоблар яратишгача бўлган узок масофани босиб ўтган бўлса ҳам, китобнинг вазифаси, инсонлар ва жамият ҳаётидаги ўрни, кадр-қиммати мутлақо ўзгаргани йўқ. Бутун дунёда нанотехнологиялар, электрон дарсликлар, интернет саҳифалари ва билим олишнинг шу каби бошқа воситалари ёруғлик тезлигида ўсаётган бўлса ҳам, КИТОБга қизиқиш сўнмайди. Дунёдаги бошқа бирорта восита китобнинг ўрнини босиши қийин. Одам яхши китобларни варақлашдан, мутолаа қилишдан завқланади, оқ қоғозга муҳрланган инсон қалбининг ҳароратини, кўз нурининг рангларини

Абу Райҳон Беруний дардга чалинди. Ҳозик табиблар имкон қадар муолажа қилдилар, аммо беморнинг аҳволи яхшиланмади. Аксинча, дард кундан-кунга кучайиб борарди. Бу дунёдан насибаси узлаётганини олимнинг ўзи ҳам сезиб турарди. Лекин унинг жўшқин табиати илму ирфон уммонидан сўнгги қатрагача олиб қолиш илминда эди. Бир кун уни кўргани дил махрами қози Валважий қадамранжиди қилди. Ҳол-аҳвол сўрашгач, Беруний деди:

— Тунов кун нотўғри даромад хусусида бир нима дедингиз, вале, далилингиз, чала қолиб эди. Ўша мавзуга қайтсак... Қози ажабланди. — Ҳозир бу масалани муноқаша этмак мавриди, Мавлоно? — деди у. — Халлоқ оламдин сизга офият тилайдурмен, иншооллоҳ, ўшандай саодатли кунларга қолдирайлик бул масалани.

Сўнги илинж

Беруний ранжиганнамо деди: — Эҳ, дўстим! Сиз ҳам ярамга тўз сепмангиз. Бу фоний дунёдан бир масала ечимини билмасдан ўлиб кетгандин кўра, билиб кўз юмган афзал эмасму? Айтинг энди! Қози Берунийнинг товушидаги амрона оҳангга бўйсунмишга мажбур бўлди ва нотўғри даромад борасидаги тахминларини батафсил сўзлади. Олим



УЛУҒЛИК

кўзларини юмганча тинглади ва ҳўрсинди. Сўнг Валважий ортага қайтди. У уйига етар-етмас, ортидан шумхабар келди: Беруний оламдан ўтган эди.

Давронбек ТОЖИЛИЕВ тайёрлади.

Асосли даъво

Бир туяқаш бўлган экан. Кўп машаққат билан поёнсиз чўллар ва кенг саҳролар оралаб меҳнат қилар, уч-тўрт сўм моюна топиб, болаларини едириб-ичираркан. Биргина туяси билан бутун бошли оилани боқаркан. Жонивор ҳар икки йилда болалар, соҳибини қирмон билан таъминларди.


Шунда ақлли бир одам: "Яхшиси, қозининг олдига боринглр, у сизларга маъқул ганни айтади", дебди. Одамлар гуруллаб қозининг хузурига келибди. Қози туяқашга: "Ҳайвонларни гоҳо тириклигида таниш қийин бўлади-ю, сен қандай қилиб шу гўшт туянгники эканлигини билдинг? Даъвоингни исботла, бўлмаса беш дарра уришга буюраман", дебди.

— Эй, тақсирим, — дебди туяқаш. — Менинг туям урғочи эди, уч марта болалаган, сувсиз, янтоқсиз саҳрода ҳар бир боласини ялаб, меҳрини бериб катта қилгунча адоий тамом бўларди. У сўнги бола-

сидан жудо бўлганида юракбағри эзилиб, жигари пора бўлганди. Ана, қаранг, жигарининг соғ ери йўқ. Туяқаш жигарни боши узра баланд кўтариб, одамларга кўрсатибди.

— Тақсирим, — деб гап бошлабди қассоб, — бир кун кечаси нотаниш киши эшигимни қоқди. Очсам, новча бир одам туя ушлаб турибди. Шуни олинг, қанча берсангиз ҳам розиман, шошиб турибман, деди. Мен туяни ярим баҳосига сотиб олдим.

Туяқашнинг даъвоси исботи



РИВОЯТ

билан эканлигини ақлли, донишманд қози дарров фаҳмлабди. Ва одилона ажрим қилибди. Қассобга: "Гўштни сен ол, туяқашга бир урғочи туя олиб берасан", деб буюрибди. Атрофдаги одамлар ҳукмдан рози бўлишибди.

Худойберди ТЎХТАБОЕВ, Ўзбекистон Республикаси халқ ёзувчиси.

ДУРДОНА

Кўнгил ўрнида бўлса, жон жойида бўлади.

Ёмғир билан ер кўқарар, тинчлик билан эл кўқарар.

Опангни кифтингда тутсанг, синглингни бошингда тут.

Дўстинг билан дилдош бўл, қилар ишига қўлдош бўл.

Ўзбек халқ мақоллари.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 569. 119 678 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълолар 232-11-15.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас. Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Ташкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров. Навбатчи — Д. Содиқов. Мусахҳач — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.15 Топширилди — 22.20 1 2 3 4 5

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси